

Қарзни тезроқ тұлаш



14:12 / 06.11.2024 934

لِلَّا يَضْرِرُهُ يَبْأَنْعُ
لِلَّا يَلْصَبُنَلْأَنْعُ
سْفَنَ لَاقَ مَلَسَ وَيَلْعُ
يَتَحَوْنُ يَدْبُقَ لَعْمَنْ مُؤْمَلَا
يَذْمِرْتَلَأَوْرُ عَنْهُ يَضْقُي
دَمْحَأْوَهَجَمْنْ بَأْوَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўминнинг руҳи то қарзини адо қилмагунча қарзига боғлиқ бўлиб туради», дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Мўмин кишининг қарзи бўлса, ўлганидан кейин унга жаннатдаги макони кўрсатилмай турар экан. Қачон қарзи узилса, ўшандан кейингина кўрсатилар экан. Бунда эса ўзига яраша қабр азоби бор. Бироннинг ҳаққи шу даражада аҳамиятли. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам қарзи борларга ўzlари жаноза ўқимаган ҳоллари бўлган.

Бундан ким қабрда ноқулай ҳолга тушиб қолмай, деса, тириклигига ўзида бирор кишининг ҳаққи қолмаслиги учун ҳаракат қилиши лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди